
АСАЛ АРИЧИЛИКНИНГ АСЛ МУТАХАССИСИ

Асал минг дардга шифо, деган гап бор.

Марказий Фарғона МФЙда яшовчи Истроил Аҳмедов 2005 йилда асал ари боқишига қизиқиб қолади.

Шу йили 6 та асал ари оиласини боқишини бошлайди. Йиллар үтиб ари оиласини кўпайиб боради.

Ҳозирда Истроил ҳақиқий асал ари мутахассисига айланиб улгурган. 450 та асал ари оиласини парваришламоқда. Илига 2 тонна асал олади. Йиғилган асалларга ҳаридорлар нақд. Асалдан даромад олиш билан бирга ари оиласини ҳам кўпайтириб сотади. Ари оиласини республикамиз бўйлаб, Россия, Қозоғистон давлатларига ҳам жўнатилади.

-Барча ишни қилишда чин дилдан, кўнгилдан чиқариб, қилиш керак, - дейди И.Аҳмедов. -

Шундагина яхши натижага эришилади. Асал ариларга меҳр бериб қараганимиз учун ҳам Аллоҳ даромадимизга барака беряпти.

И.Аҳмедов ҳовлисида бўлиб, асал арилар ҳақида бераётган маълумотларини эшлишиб, бажараётган амалларини кўриб, Истроил асал аричиликнинг асл мутахассислигига гувоҳ бўлдик.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АҲБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-04-13 16:57:31